www.ishonch-doverie.uz

2011-yil 31-mart № 41 (2922) payshanba

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Маҳият

Кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик — аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва унинг асосий даромад манбаи бўлган муҳим бўғиндир.

Ислом КАРИМОВ

● *Ишчи-ходим манфаати устувор*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, ЎзКУФК ҳамда Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йилларга мўлжалланган Бош келишувнинг имзоланиши касаба уюшма ташкилотларига меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашдаги фаолияти самарадорлигини оширишга кенг имкон яратди. Чунки унда ижтимоий масъулиятни давлат, иш берувчилар ва ходимлар ўртасида бундан буён ҳам тақсимлаб бориш зарурлиги тан олинган. Шу билан бирга, мазкур келишувнинг айрим меъёрий ҳолатларини тармоқ, ҳудудий келишувларга ва жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилишининг лозимлиги кўрсатиб ўтилган. Демак, жойларда тузиладиган тармоқ, ҳудудий (минтақавий) келишувлар ва жамоа шартномаларида Бош келишувда эътироф этилган аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб бориш, республика фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар кўлами кенгайтирилади. Бу эса нафақат меҳнаткашларнинг манфаатлари ҳимоясини кучайтиради, балки ҳар бир ишчи-ходимнинг жамоа, юрт олдидаги масъулиятини ҳамда меҳнат унумдорлигини оширади.

Уч томонлама келишув

Вилоятимизда 1995 йилдан буён вилоят ҳокимлиги, Савдо-саноат палатаси ҳудудий бошқармаси ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ўртасида меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш масалаларига оид уч томонлама келишув тузиб келинмоқда.

Келишувнинг бажарилиши доимий назоратда бўлиб, йил якунида амалга оширилган ишлар муҳокама этилади.

Унда асосий эътибор меҳнаткашларга ишлаб чиқаришда тегишли шарт-шароитлар яратиб бериш, меҳнат самарадорлиги ва сифатини, даромадларни оширишга ҳамда шу орқали турмуш даражасини яхшилашга қаратилган. Натижада, биргина ўтган 2010 йилда аҳолининг реал даромади 125,6 фоизга ошди.

Қишлоқ жойларда барча коммунал шароитларга эга бўлган якка тартибдаги турар жойлар қурилишига 35,7 млрд. сўм маблағ сарфланди. 2010 йили 11 қишлоқда намунавий лойиҳалар бўйича 540 та уй-жой, 13 та ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектлари барпо этилди. 122 км. сув, 66 км. газ қувурлари тортилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада, 35 та қишлоқ аҳолиси тоза ичимлик суви ва 4 та қишлоқ табиий газ билан таъминланди.

Янги қурилган қишлоқ жойлардаги турар-жой массивларида 37 километрдан ортиқ газ, қарийб 58 километрлик сув қувурлари, 16 километрдан зиёд электр узатиш линиялари ўтказилди.

«Бандлик — 2010» дастури бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилиб, дастур ижроси депутатлар назоратига олинди. Бунинг натижаси ўлароқ, 2010 йилда вилоятда 73 мингдан ортиқ иш ўрни яратилди. Уларнинг 39 мингдан зиёди ёки 54 фоизи кичик бизнес ва фермер хўжаликларига тўғри келади.

Аҳолининг иш ҳақи ва пул даромадлари барқарор ошиб бориши, харид қобилиятининг ўсиши, истеъмол қиладиган маҳсулотлар таркиби сифатининг ортиши кузатилмоқда. Ўтган йили бюджет соҳаси муассасалари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва стипендиялар миқдори 32 фоизга, аҳолининг умумий пул даромадлари эса жон бошига 1,25 баробарга ошди. Тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромадлар улуши эса 46 фоизни ташкил қилмоқда.

Бош келишувда тавсия этилгандек, вилоятимизда касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида тармоқ келишувлари, корхона, ташкилот ва муассасаларда иш берувчилар ва ходимлар ўртасида жамоа шартномалари қабул қилишга доир йиғилишлар бўлиб ўтмоқда.

Жамоа шартномалари, тармоқ ва тариф келишувларига меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида Бош келишувда эътироф этилган имтиёз ва кафолатлар тўлалигича киритилмоқда ва шу асосда қабул қилинмоқда. Бу жамиятимизда инсон, ишчи-ходим манфаати ҳамиша устувор эканлигининг далилидир.

Аҳад ЖУМАЕВ,
Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари

● *«Ташаббус – 2011»*

Тадбиркорлик, эътироф ва рағбат

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Президенти совғини учун «Ташаббус – 2011» республика кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди

Энг яхши тадбиркор — Бахтиёр Умаров



Энг яхши фермер — Носир Тўракулов

Энг яхши ҳунарманд — Шариф Азимов

Анъанага кўра, тадбир Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Фермер хўжаликлари уюшмаси ва халқ ҳунармандларининг «Ҳунарманд» уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик узоқ истиқболга мўлжалланган ҳар қандай иқтисодий тизимнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Ўзбекистонда иқтисодиётнинг ушбу сектори давлат сиёсати даражасида қўллаб-қувватланмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1995 йил 5 январда қабул қилинган фармонига биноан ўтказиб келинаётган ва пойтахтимизда ниҳоясига етган «Ташаббус — 2011» кўрик-танлови ҳам бунинг яққол далилидир. Унда мамлакатимиз тадбиркорлари, фермер ва ҳунармандлари ўзининг энг яхши ютуқларини намойиш қилди.

«Ташаббус — 2011» танловининг шаҳар ва вилоятлар босқичлари ғолибларининг маҳсулотлари кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайховнинг айтишича, танловда жами 6400 нафардан ортиқ тадбиркор, фермер ва ҳунарманд иштирок этган. Энг истиқболли ва ташаббускор 41 қатнашчи тадбиркорнинг республика босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Бу йил ғолиблар учта асосий — «Йилнинг энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери» ва «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» йўналиши, шунингдек, «Йилнинг энг ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ёшлар учун энг яхши иш берувчи», «Энг яхши оилавий бизнес соҳиби», «Энг яхши бизнес-ғоя» ҳамда «Менинг Ватаним — менинг фахрим» каби етти махсус номинация бўйича аниқланди.

«Ташаббус — 2011» республика кўрик-танлови якунлари бўйича Наманган вилоятидаги «Zamin Turkiston» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Бахтиёр Умаров энг яхши тадбиркор, Сурхондарё вилояти вакили Носир Тўракулов энг яхши фермер деб топилди. Унинг «Боғу-бўстон» фермер хўжалиги богдорчилик, деҳқончилик, чорвачилик, шунингдек, озуқа экинларини етиштиришга ихтисослашган. Самарқанд вилояти вакили Шариф Азимов «Йилнинг энг яхши ҳунарманди» номинациясида ғолиб чиқди. У Ўзбекистон амалий санъатининг энг қадимий тури — кулолчилик билан шуғулланади. Устанинг ишлари мамлакатимиздан ташқарида ҳам яхши маълум.

«Ташаббус — 2011» танловининг уч асосий номинацияси бўйича биринчи ўрин соҳибларига олтин медал ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг совринлари — «Spark» автомобиллари топширилди.

Уч асосий номинация бўйича иккинчи ўрин ғолибларига махсус дипломлар, кумуш медал ва 6 миллион сўмдан пул мукофотлари берилди.

Уч асосий номинация бўйича учинчи ўринни эгаллаган қатнашчиларга махсус дипломлар, бронза медали ва 4 миллион сўмдан пул мукофотлари топширилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Арипов иштирок этди.

ЎзА материаллари асосида тайёрланди.
Суратларда: танлов ғолиблари.
Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

● *Муносабат*

Устувор йўналишлар – ҳаётга

Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг пленуми бўлиб ўтди. Унда бирлашма раиси Эсон Ражабов кун тартибидаги биринчи масала — Президент Ислом Каримовнинг «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳамда 2010 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йил иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланиб ўтказилган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, шунингдек, Федерация V Қурултойи ва Федерация кенгашининг II мажлиси қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларга эътиборни қаратди.

Маълумки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V Қурултойи ҳамда Федерация кенгашининг II мажлисида ҳокимликлар, давлат идоралари томонидан 2011 йилда аҳолининг турмуш даражаси ошишини таъминлайдиган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилишида касаба уюшма ташкилотларининг фаол иштирокини таъминлаш масаласи илгари сурилганди. Йиғилишда ушбу масалага ҳам алоҳида урғу берилди.

Маърузачилар ўз йўналишларидан келиб чиққан ҳолда касаба уюшмалари фаолиятига атрофлича баҳо беришди ҳамда галдаги муҳим вазифаларга тўхталиб ўтишди.

* * *

Шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг III пленумида ҳам Президентимиз маърузалари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойи қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда касаба уюшмаларининг ўрни ҳақида атрофлича сўз юритилди.

Анжуманда Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Шерзод Жўраев маъруза қилиб, Концепцияда белгиланган йўналишлар касаба уюшмаларининг ҳар бир аъзоси зиммасига улкан масъулият юклаш билан бирга амалий ишларга сафарбар этишини таъкидлади.

Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг долзарб муаммоларини ҳал қилишда, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларидаги инновацион ва бошқа прогрессив жараённи кенгайтиришда ёш олимларнинг ролини янада ошириш талаб қилинади. Ишонч билан айтиш мумкинки, илм-фан соҳасида сарфланаётган маблағлар келажагимиз эгалари бўлган баркамол ёшлар, ёш олимларнинг юксак интеллектуал салоҳиятини шакллантиришда мустаҳкам пойдевор бўлади.

Анжуманда сўзга чиққан Академия вице-президенти, академик Саидаҳрор Ғуломов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Суд-ҳуқуқ масалалари қўмита аъзоси Жаҳонгир Бобоев ва бошқалар кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

* * *

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши томонидан ўтказилган фаоллар йиғилишида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Назира Тоғаева, тармоқ касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Анора Бобомуродова, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Серик Кидирбековлар Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепция ва Республика касаба уюшмалари Федерациясининг V Қурултойидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида маъруза қилишди.

Бундай йиғилишлар Зарафшон шаҳри, Учқудуқ, Конимех, Навбаҳор, Кармана, Қизилтепа, Хатирчи туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Ўз мухбирларимиз

Роғун лойиҳаси — Ўрта Осиё учун цунамидан ҳам хавфлироқ

Японияда рўй берган кучли зилзила ва шиддат билан босган цунами табиатнинг бошқариб бўлмайдиган фалокатлари одамлар ҳаёти учун қандай даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини яна бир бор исботлади. Бугунги кундаги глобал иқлим ўзгариши шароитида даҳшатли табиий офатларнинг тез-тез такрорланиши одатий ҳолга айланмоқда. Ушбу офатлар инсон ҳаёти ва фаолияти натижалари билан биргаликда илгари мисли кўрилмаган кўламдаги техноген фалокатларни келтириб чиқармоқда. Бунга Япония атом электр станциясида рўй берган фалокат яққол мисол бўла олади.

Японияда содир бўлган ушбу фалокат бутун дунёда катта ташвиш уйғотмоқда. Кўплаб давлатлар ҳукуматларини шундай ҳалокатларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўришга, ҳаттоки, зилзила юз бериш эҳтимоли назарий жиҳатдан ҳам деярли мумкин бўлмаган Германияда бўлгани каби, атом электр станциялари фаолиятини тўхтатишга мажбур қилмоқда. Мантиқан олиб қараганда, бундай чора-тадбирлардан кўзланган мақсад тушунарли, албатта. Бинобарин, дунёда бинолар ва иншоотларнинг зилзилага бардошлигига нисбатан талаблар ғоят қатъий бўлган ва сейсмик фаол зонада энг илғор қурилиш технологиялари асосида иш олиб бориладиган Япониядек давлатдаки шундай фалокатларнинг содир бўлиши эҳтимолдан холи эмас экан, бошқа ҳеч бир мамлакат ўзини бундай офатлардан ҳимояланган, деб ҳисоблай олмайди.

Шу муносабат билан Тожикистон раҳбариятининг мамлакат аҳолиси онгига бир неча йиллардан буён муттасил қуйиб келинаётган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси ҳақидаги баландпарвоз гаплари ёдга тушади. Ҳолбуки, бу ўринда гап тектоник емирилувчи ва йирик туз қатламлари мавжуд жойда дунёдаги энг баланд тўғонли Роғун ГЭСи қурилиши ҳақида бормоқда. Ачинарли жиҳати шундаки, гўёки, бу лойиҳа мазкур мамлакатда яшаётган одамларнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборади. Хайриятки, ушбу таги пуч ғоянинг асл моҳияти ва аянчли оқибатларини англаб етаётган соғлом фикрли олимлар ҳам йўқ эмас.

Роғун ГЭСи қурилиши ҳақидаги хомхаёл билан юрган Тожикистон раҳбарияти кўп йиллар давомида бутун дунё жамоатчилигини Тожикистонда ҳалокатли зилзилалар хавфи деярли йўқлигига ишонтиришга уриниб келаётганини эслатишга ҳожат бўлмаса керак. Хусусан, Тожикистон Бош вазири А.Оқилов ўтган йили Роғун ГЭСи қурилиши хавфи хусусида Ўзбекистоннинг сўровига юборган жавобида Роғун ГЭСи қуриладиган зонада 6 баллдан кучли зилзила бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлаган.

Айни пайтда, Тожикистон Республикаси Фанлар академияси сейсмология институтининг фахрий директори, академик Собит Негматуллаев ИТАР-ТАСС мухбирига 2011 йил 15 мартда берган интервюсида Японияда содир бўлган салкам 9 баллик зилзилага ўхшаш ер силкинишлари 1907 йилда Тожикистон ҳудудидаги Қоратоғда, 1911 йилда Помирда юз бергани ва Сарез кўлининг пайдо бўлишига олиб келганини, 1949 йилда Хайтда ҳам такрорланганини қайд этган. Ўша зилзилалар 100 мингдан зиёд одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Академик С.Негматуллаев ушбу зилзилалар юзага келтирган жараёнларни таҳлил қилар экан, кейинги 10 йил мобайнида Помир-Ҳиндикуш тоғ тизмасида кучли ер силкиниши рўй бериши мумкинлигини башорат қилган.

Нуфузли олим томонидан келтирилган ушбу статистика Тожикистон Бош вазирининг таскин учун айтилган баёнотидан кўра ишончлироқ, албатта. Академик С.Негматуллаевнинг мазкур башоратлари сейсмология соҳасида жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилган тадқиқот услубларига асосланган билан эътиборни тортади.

(Давоми 2-бетда)

Ishonch

2011-yil 31-mart № 41 (2922)

● *Ахборот*

Қонунлар маъқулланди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида қуйидаги қонунлар кўриб чиқилди ва маъқулланди:

— «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

— «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

— «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

— «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 245 ва 246-моддаларига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

— «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

— «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

— «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

— «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни;

— «Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябр) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.

Яхшидан боғ қолади

Тошкент шаҳар Бектемир туманидаги 293-умумий ўрта таълим мактаби жамоаси мустақиллигимизнинг 20 йиллигини муносиб нишонлашга қизғин тайёргарликни бошлаб юборишди.

Мактаб ҳудудида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Ўқитувчилар ўқувчилар билан биргаликда ўзларига бириктирилган майдонда гул, дарахт кўчатлари экишди.

Маҳалламизни, кўчаларимизни боғ-роғга айлантирсак юртимиз янада обод бўлади, ҳамманинг баҳри-дили очилади. Бир кун келиб ёзнинг иссиқ кунида биз эккан дарахт соясида кимдир ором олса, боғдаги меваларни еб, боғбонга «офарин» деса бундан ортиқ мукофот йўқ, менимча.

Шарифа ЭРГАШЕВА,
293-мактаб ўқитувчиси

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига юртимизнинг барча шаҳар-қишлоқлари, маҳаллаларида кўчат экиш ишлари давом этмоқда. Хусусан, Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши «Маҳалла» жамғармасининг Мирзо Улуғбек туман бўлими билан ҳамкорликда 52 та маҳаллада кўкаламзорлаштириш ишларига бош-қош бўлмоқда.

Шу кунларда тумандаги «Олмачи» маҳалласида ҳам ишлар авж олган. Маҳалла ҳудуди Олтинтепа, Буюк ипак йўли кўчалари, Паркент йўли ва Салор темир йўл станцияларибилан чегараланган бўлиб, унда 1284 та хусусий ва 65 та кўп қаватли уй жойлашган. Маҳаллада 6100 дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маъмуржон Кенжабоев бошчилигидаги маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориб, фуқароларнинг ҳуқуқий, маънавий дунёқарашини юксалтиришда жонбозлик кўрсатиб келишмоқда.

— Дарахт экиш — ота-боболаримиздан қолган анъана, — дейди Маъмуржон ака. — Ҳозир Ҳабиб Абдуллаев кўчасида 1200 туп манзарали, 200 туп мевали кўчат экилди. Шунингдек, Муҳаммад Юсуф кўчасига жами 250 туп мевали, яна шунча миқдорда игна баргли дарахт ниҳоллари ўтқазилди. Кўчаларимиз янада кўркам бўлиши учун 500 туп атиргул ва бошқа турдаги гул кўчатлари ҳам парвариш қилинмоқда.

Яхшидан боғ қолар, дейди доно халқимиз. Амалга оширилган ишлар нафақат бугунги кун учун, балки келажак авлод учун ҳам муҳим. Вақт ўтиб, «Олмачи»нинг ширин олмалари дунёга машҳур бўлса, не ажаб.

Ж.ТУРДИЕВ,
Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар вакиллиги мутахассиси

● *Эҳтиёт бўлинг!*

Йўл қоидаси – умр фойдаси

Ҳозирги техника ривожланган даврда йўл-транспорт ҳодисалари дунё бўйича муаммоли мавзулардан бирига айланган. Маълумотларга кўра, сўнгги пайтларда йилига дунёда 3 миллиондан кўпроқ одам йўл-транспорт ҳодисасининг қурбонига айланмоқда. Бундай бахтсиз ҳодисалар кишини жиддий ўйлашга мажбур қилади.

Темир йўл кесишмаларида автомобилларнинг поездлар билан тўқнашуви ҳам мана шундай бахтсиз ҳодисалар тоифасига киради. Ҳозир Ўзбекистон темир йўлларидаги йўл кесишмаларида светофорлар, турли сигналлар, йўл кўрсаткичлари ва катта тезлик билан поезд келаётгани тўғрисидаги огоҳлантириш белгилари мавжуд бўлиб, бундай жойлардан ўтишда автомобил ҳайдовчиларидан ҳушёрлик талаб этилади. Лекин айрим ҳайдовчилар ҳамиша ҳам бу қонун-қоидаларга амал қилишмайди.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2011 йилнинг дастлабки 2,5 ойида республикамиздаги темир йўл кесишмаларида поездлар билан автомобилларнинг 7 марта тўқнашуви содир бўлди. Бу тўқнашувлар оқибатида икки киши ҳаётдан кўз юмган.

Шу йилнинг 22 январ куни Самарқанд вилоятининг Булунғур-Жомбой оралиғидаги 3702 км.даги кўриқланмайдиган йўл кесишмасида «Дамас» автомашинаси тез келаётган поезд йўлидан ўтиб кетмоқчи бўлганда тўқнашув содир бўлган. Натижада, шофёр ва машинадаги 5 нафар йўловчи касалхонага ётқизилган. Йўловчиларнинг биттаси оғир жароҳат туфайли вафот этган.

Жорий йилнинг 5 март куни Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл бекати яқинидаги қўриқланмайдиган йўл кесишмасида «Жигули» автомашинаси билан поезд тўқнашуви содир бўлган. Бу ерда ҳам шошқалоқ ҳайдовчи тўқнашувга сабабчи. Машинадаги икки киши касалхонага ётқизилган. Ҳайдовчи ҳалок бўлди.

Бундай кўнгилсизликларга ҳамиша қоидабузар ҳайдовчилар сабабчи бўлиб қолмоқда. Афсуски, юз берган тўқнашувларнинг аксарияти мудҳиш оқибатларга олиб келади. Поездлар издан чиқиб кетади, техникалар жиддий шикастланади, қатновда узилишлар туфайли халқ хўжалиги юклари ва йўловчиларнинг манзилга етиб бориши кечикади. Энг ачинарлиси, инсонлар ҳаётдан эрта кўз юмади.

Бундай тўқнашувларнинг олдини олиш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКда катта ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда тўқнашувлар хавфининг олдини олиш мақсадида автомобиллар серқатнов бўлган, тезюрар поездлар ўтадиган йўл кесишмаларида автомобил йўлини тўсиб қўювчи кўплаб замонавий автоматик тўсиқ қурилмалари ўрнатилди. Бу ишлар ҳозир ҳам давом эттирилмоқда.

Йўл кесишмаларида тўқнашувларнинг олдини олиш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК ходимлари ва «Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси мутасаддилари мунтазам равишда автоҳўжаликларда, саноат корхоналарида, хусусий автомобил эгалари орасида ҳамда темир йўл яқинида яшовчи аҳоли ўртасида, мактаб ва маҳаллаларда, ҳайдовчилар тайёрлаш ўқув масканларида суҳбатлар ўтказиб келмоқда.

Хусниддин ОТАХЎЖАЕВ,
«Ўздавтемирйўлназорат» инспекцияси Тошкент филиали бошлиғи

● *Ахборот технологиялари*

Мутахассислар томонидан олиб борилган кузатишлар натижасида, 60 дан ортиқ давлатларда иқтисодий ўсиш суръати бевосита ахборот-коммуникация технологиялари билан узвий боғлиқлиги аниқланган. Жумладан, ахборот-коммуникация технологияларининг барча тармоқларга кенг жорий этилиши туфайли 2008-2010 йилларда мамлакатимизда ҳамма соҳаларда улкан ютуқлар қўлга киритилди.

Тараққиётга хизмат қилмоқда

Бунда соҳага доир қатор қонун ҳужжатлари ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида», «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида», «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунлар, Президентимизнинг «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори шулар жумласидандир. Бу эса соҳани, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига татбиқ этишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Эътиборли жиҳати, ўтган йили аҳолига кўрсатилган алоқа хизматлари ҳажми 2009 йилга нисбатан икки баробарга ўсган. Бугунги кунда интернетдан фойдаланувчилар сони 7,4 миллион кишига етди. 700 дан ортиқ оммавий фойдаланиш пунктлари ташкил этилди ҳамда барча давлат бошқарув органларининг сайтлари очилган. Давлат бошқаруви ва маҳаллий ҳокимият органлари ходимларининг компютер саводхонлик даражаси 95 фоиздан ортиқлиги мамлатимизда ахборот технологиялари соҳасидаги ислоҳотларнинг самарали кечаётганини кўрсатади.

Жаҳонгир ШУКУРОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети талабаси

Роғун лойиҳаси — Ўрта Осиё учун цунамидан ҳам хавфлироқ

(Боши 1-бетда)

Тожикистон ҳукумати дунёдаги энг баланд тўғонни қуриш лойиҳасини қандай бўлмасин амалга ошириш мақсадида Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси билан боғлиқ техноген фалокатларнинг бўлажак хавфи ҳақида огоҳлантираётган кўплаб давлатларнинг олим ва мутахассисларининг ташвишли фикрларини эътиборсиз қолдирмоқда. Бу лойиҳа оқибатида юзага келадиган ўта жиддий хавфларни тожикистонлик олимларнинг хулосалари ҳам тасдиқлаб турибди. Айниқса, шуниси муҳимки, сейсмологлар Японияда содир бўлган зилзила ва Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳалаштирилаётган ҳудуднинг сейсмик фаоллиги ўртасида бевосита боғлиқлик борлигига эътиборни қаратмоқда.

Агар бу ҳудудда Японiядаги каби кучли зилзила рўй берадиган бўлса, баландлиги 335 метрдан зиёд тўғонга чуқурлиги 300 метрдан юқори бўлган сувнинг кучли ва катта босими тушади. Оқибатда тўғон унга дош беролмай, пойдевори силжийди ва ўпирилиш юз беради. Бу эса даҳшатли цунамини келтириб чиқариши мумкин.

Баландлиги 10 метр келадиган цунами Японияда қандай вайронагарчиликларга сабаб бўлганини барчамиз кўрдик. Зеро, оқибатини ўйламасдан қурилаётган Роғун ГЭСи тўғони лойиҳаси амалга ошса ва у ўпирилиб кетадиган бўлса, Вахш дарёси оқими бўйлаб пастга шиддат билан ёпириладиган сувнинг баландлиги ер сатҳидан камида 100 метрни ташкил қилади, вайронагарчиликлар келтириши борасида Японiядаги цунамидан бир неча баравар ошиб тушади.

Тўғоннинг ўпирилиши Ўрта Осиё мамлакатлари учун, аввалambор, Тожикистоннинг ўзи учун мисли кўрилмаган фалокатлар олиб келади. Мутахассисларнинг фикрича, воқеалар шу зайлда ривожланадиган бўлса, катта миқдордаги сув пастга секундига 130 метр ёки соатига 468 километр тезликда Нурек ГЭСи томон ёпирилади. Нурек ГЭСи тўғони бутунлай вайрон бўлиб, Нурек шаҳри баландлиги 280 метр ва тезлиги секундига 86 метр бўлган сув босими остида қолади. Вахш каскадининг бошқа ГЭС ва гидроузеллари ҳам шу каби бутунлай вайронага айланади, Сарбон, Қўрғонтепа ва Румий шаҳарларини бутунлай сув босади. Сув тошқини зарбига биринчи бўлиб ушбу шаҳарлар дуч келади ва у Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг бошқа ўнлаб шаҳарлари ҳамда аҳоли пунктларини ҳам босиб кетади.

Шу боис Японияда рўй берган зилзила ва унинг фожиали оқибатлари, шунингдек, тожикистонлик сейсмологларнинг холис фикрлари мисли кўрилмаган баландликда ушбу улкан гидроузел тўғонини лойиҳалаштириш ва қуришдек таги пуч ғояни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Тожикистон раҳбариятининг кўзини очади, деб умид қиламиз.

С. ЖИГАРЁВ,
«Гидролойиҳа» МЧЖ директори

● *Демократик ислоҳотни чуқурлаштириш йўлида*

Юртбошимиз таъкидлаганидек, фуқаролик жамияти — ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари тўла даражада рўёбга чиқишига қўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал қилади, бир-бирини тўлдиради ва бир-бирини тақозо этади.

Фуқаролик қонунчилик

Фуқаролик жамияти институтларига қуйидагилар киради: нодавлат нотижорат ташкилотлари, ўз ўзини бошқариш органлари, (маҳаллалар), сиёсий партиялар, ижтимоий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, жамоат бирлашмалари ва фондлар, оммавий ахборот воситалари. Улар фуқаролик жамиятининг негизини шакллантириб, унинг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Фуқаролик жамияти институтлари ўз моҳияти жиҳатидан жамият аъзоларининг фуқаролик фаоллиги, миллий ўзлигини англаши, сиёсий маданияти ва юксак маънавияти шаклланишига, уларда ўз қадр-қимматини ҳис этиш туйғуси, мустақил фикрлаш, ўз имкониятларини намоён қилиш ва ўз келажагини ўз қўллари билан барпо этиш истаклари ортишига хизмат қилишга йўналтирилган.

Очиқ ва кучли фуқаролик жамиятини ривожланган фуқаролик институтлари тизими сиёсий партиялар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, маҳаллалар, эркин оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Фуқаролик жамиятининг ривожланганлиги даражасини кўрсатиб турувчи қуйидаги омилларни кўрсатиш мумкин:

биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари эркин ва мустақил иш юритишининг қонунчилик асослари мавжудлиги;

иккинчидан, долзарб ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва гуманитар вазифаларни ҳал килишда давлат ва ННТларнинг ўзаро самарали ижтимоий ҳамкорлиги;

учинчидан, «Учинчи сектор»нинг «бизнес соҳаси» билан яқин ҳамкорлиги;

тўртинчидан, кучли ўрта синфнинг мавжудлиги, мамлакат ЯИМда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ортиб бориши ва бошқалар.

Ўзбекистонда мамлакатни фаол демократик янгилаш ва модернизациялаш даврида фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилди:

биринчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари шакллантирилди;

иккинчидан, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари шаклланиши ва эркин ривожланишининг иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатлари яратилди;

учинчидан, жамиятни эркинлаштириш ва демократик ўзгаришларни амалга оширишда уларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар қилинди;

тўртинчидан, сиёсий ривожланишнинг ҳозирги босқичида ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш уларнинг реал мустақиллигини таъминлашнинг демократик ва шаффоф тизими яратилди;

бешинчидан, эркин, мустақил ва ҳеч кимга тобе бўлмаган, етарлича молиявий маблағларга эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларигина ўз вазифаларини самарали бажара олишлари учун зарур шароитлар яратилди;

олтинчидан, фуқароларнинг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

«Нодавлат нотижорат ташки-

● *Ёшлар кенгашида*

Хайрли ташаббус

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш, бандлик ва муносиб меҳнат шароитини таъминлаш, маънавий-маърифий ва ҳуқуқий савиясини юксалтириш мақсадида доимий ўқув семинар ва давра суҳбатлари ўтказиб келмоқда.

Жумладан, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикаси тармоқ касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши томонидан спартакиада, кўрик-танлов ва турли маданий тадбирлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида мунтазам ёритилиб борилди.

Бундан ташқари, тармоқ томонидан ҳудудлардаги бандликка кўмаклашувчи марказлар, олий тиббиёт ўқув юрти ва тиббиёт коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиб келинмоқда. Касаба уюшма қўмиталари иш берувчиларнинг ёшлар бандлиги ва ижтимоий ҳимоясига тааллуқли Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, Халқаро меҳнат ташкилотининг 138-182 Конвенциялари талабларига риоя қилинишини назоратга олган.

Мустақилликнинг 20 йиллигига 20 туп дарахт экиш тадбирларида ёшларимиз ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Ташкил этилаётган умумхалқ ҳашарларида тармоқ Андижон вилоят Ёшлар кенгашининг қўшаётган ҳиссасини намуна сифатида кўрсатиш мумкин. Жойларда «Ёшлар боғи» ташкил этилиб, кўчалар тозаланди, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Нилуфар МУЗАФФАРОВА,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Ёшлар кенгаши раиси

Ishonch
2011-yil 31-mart № 41 (2922)

● *2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили*

Амир Темур бобомиз «Азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир», деганда тадбиркорликнинг инсон ҳаётидаги ўрни беқиёслигини назарда тутгани аниқ. Зеро, ақлли ва тадбирли кишилар доимо қийин вазиятлардан музаффар чиқиб кета олишган, турмушлари фаровон ва мазмунли бўлган. Бу эътироф бугунги кунда республикамизда кичик корхона очаётган, янги иш ўринлари яратаётган хотин-қизларимизга ҳам тегишли. Улар ҳам, албатта, бирданига шу даражага чиқиб қолишмаган. Ҳаммаси оиладан бошланган.

Қўли гулнинг пули мўл бўлади

«Идеал» янга

Дўстим Нарзулла уйланмоқчи бўлди. Суҳбатлашиб туриб, ундан қандай қизлар ёқишини сўрадим.

— Устозимиз Шерали ака бор-ку. У кишининг турмуш ўртоғига ҳавас қиламан, янгамизнинг характеридаги қизни учратсам, дейман, — деди Нарзулла.

Янгамизни яхши биламан. Рўзғорим, оилам дейдиганлардан.

Иссиқ жонмиз, яхшиёмон кунлар ҳар биримизнинг бошимизда бор. Шерали ака ҳам узоқ вақт ётиб қолди. Тузалиб кетгунича қарийб икки йил ўтди. Бу пайтда рўзғор юкини янга елкасига олди. Ҳар хил мевалардан ширин шарбатлар қайнатиб, ёзнинг иссиқ кунида бозорга чиқарди. Оиланинг кам-кўстини тўлдирди, турмуш ўртоғини меҳр билан парвариш қилди. Янганинг меҳридан устоз оёққа туриб кетди, синовли кунлар ҳам ортда қолди...

Деҳқоной

Қўшнимиз Ҳанифа опа оддий қишлоқ аёли. Эри Ҳусан ака туман марказидаги ўт ўчириш бўлинмасида ишлайди. «Эру хотин — қўш ҳўкиз» деганидек, иккиси ҳам бўш ўтирмайди: Ҳанифа опа деҳқончиликни «сув қилиб ичиб юборган». Ҳусан ака ҳам яхши уста.

Опамиз январнинг охири, февралнинг бошида иссиқхона ташкил қилиб, помидор, булғор қалампири, бақлажон етиштиради. Март-апрел-май ойлари бозорга олиб чиқиб сотади. Бундан ташқари, сабзи, шолғом, турп, пиёз, саримсоқпиёз, помидор, картошка кабиларни ўз вақтида экиб, уларга зарур агротехник ишловларни бериши натижасида ҳосили бошқаларникига қараганда эрта пишиши ва маҳсулотлари харидоргир бўлиши ҳам бор гап. Ҳар сафар эри ишга кетаётганда фарзандлари билан сабзавотларни ювиб, тайёрлаб беради. Ҳусан ака эса уларни велосипедига ортадида, йўл-йўлакай бозорга ташлаб ўтади. Қарабсизки, даладан рўзғорга барака энади. Меҳнатсевар оила чорва ва паррандачиликдан ҳам яхши хабардор. Қўшнилар кунда-кунора сут-қатиқ, тухум каби маҳсулотларни ўз дастурхонидан орттириб элга тортиқ этишига ўрганиб ҳам қолишган.

Жорий йилда меҳнатлари эвазига янги уй солишди. Уй тўйига келганлар меҳнатсевар оилага ҳавасланиб қайтишди.

«Ошин» момо

Тоғам Россияга ишламоқчи бўлиб кетди. Бир йилдан ошиқроқ юрди, лекин ишининг маъниси бўлмаганми, деярли қуруқ қайтди. Янгам тадбирли аёл эди. Уйни бошига кўтариб, жанжал қилмади. Ахир, бундан нима фойда? Ундан кўра, вазиятдан чиқиш йўлини топиш керак. Янгамнинг қўли ширин, жуда пазанда. Тоғам билан маслаҳатлашиб, балиқ таомлари ошхонасини очишди. Атрофда бундай ошхоналар кўп, аммо «карвон кўп, ризқи бўлак» дейишади-ку.

Балиқнинг ўзгача пиширилиши натижасида тоғамларнинг ошхонасига келувчилар кундан-кун кўпаяверди. Тушган даромад хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга йўналтирилди. Янги идиш-товоқлар сотиб олинди, емакхона таъмирланиб, киши ўтирса кўнгли тўладиган шароит барпо этилди. Оила бошидаги қийинчиликлар ортда қолди.

Тоғамизнинг уйида бирин-кетин тўйлар бўлди, ўғил уйланди, қизлар узатилди. Йўқса, олти йилда бешта тўй қилишнинг ўзи бўладими? Ҳаммаси шу меҳнатнинг, тамаддихонанинг орқасидан. Пазанда янгамизга хўрандалар «Ошин» момо» деб лақаб қўйиб олишган. Гўё телесериалда кўрганимиз япон аёли Ошиннинг балиқни беназир қилиб пиширишини янгамизга қиёслашади. Дарвоқе, янгамиз 2009 йилда ўтган ошпазлар танловида вилоят миқёсида совриндор бўлди.

Ҳунарли хор бўлмас...

Рафиқам Салтанатхон ғингший бошлади:

— Дадаси, менга «кожа» костюм олиб беринг, дугоналаримнинг ҳаммаси кийишяпти.

— Яқиндагина бозорга бориб, бошдан-оёқ кийингандинг-ку.

— У кийимларим қишки эди. Энди баҳоргиси керак.

— Нима, мен пулни супуриб оляпманми? Хўш, қанча экан ўша костюминг?

— Қиммат эмас, бир юз эллик минг.

— Маошни олсам, ўзимга озгина олиб қолиб, қолганини «кожа» костюмга сарфлашим керак экан-да. Майли, бир гап бўлар, ўйлаб кўрамиз!

Шундан сўнг масала ечимини ўйлай бошладим: «Унга «кожа» костюм олиб берсамми ёки бирор баҳона топиб, кечиктирсаммми? Кечиктирган билан барибир олдирмаса тинчимайди, бу аёллар». Хуллас, ечими чиқди. Мен рафиқамга газлама ва ипак олиб келиб берадиган, у бундан турли кашта ва сўзаналар тикадиган бўлди. Ахир, унинг қўли гул-ку. Бу ишларни қойиллатади. Сепидаги кашта ва сўзаналарни ҳам ўзи тиккан. Пойтахтда яшаганимизда ҳам зерикканидан қариндошларнинг барчасига сўзаналар тикиб берганди. Қолаверса, миллий қадриятларимиз ифодаси бўлган жойнамоз ва сўзаналарга ҳозир яна талаб ортган. Учта-тўрттасини сотса, битта «кожа» костюмнинг пули чиқиб турибди.

Хуллас, рафиқам кашта тикишни бошлаб юборди. Гапимга киргани учун ҳам унга «кожа» костюм олиб беришни дилимга тугдим.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

● *Ҳаёт ва қонун*

Гирдоб



Эркин, Дилнур ва Рўзибекни ҳаётда бир нарса бирлаштириб турарди. Кўп маротаба судланиб, жазоларини ўтаб қайтишса-да, бундан тўғри хулоса чиқариб олишни ўзларига эп кўришмаган бу кимсалар гиёҳвандликка ружу қўйишганди. Баъзида Эркинда, баъзида Дилнурда «захри қотил» топилиб қолса, уни ўзаро ўртада баҳам кўришарди.

Қиш ойларининг бирида Эркин Дилнурдан «героин» топиб беришини илтимос қилди. Дилнурда эса бу зормандадан бор эди. Кўп вақт ўтмай улар «Наврўз» ресторани олдида учрашишди. «Дори»сини қўлига олган Эркин Юнусободда жойлашган дорихоналардан бирига кириб, шприц ва дори олиб чиқди. Кейин атрофга аланг-жаланг боқиб, йўлида давом этмоқчи бўлди. Лекин ўзининг шубҳали кўриниши билан шу ерда турган милиция ходимлари назарига тушиб бўлганди.

— Илтимос, ҳужжатингизни кўрсатсангиз.

— Ҳозир ёнимда ҳеч қандай ҳужжат йўқ.

— Ёнингизда ноқонуний нарсалар борми?

Эркин бир зум довдираб қолди. Қўллари қалтираб секингина чўнтагидан зар қоғозга ўралган «героин»ни уларнинг қўлига тутқазди.

— Буни кимдан сотиб олдингиз?

— Дилнурдан...

Эркин тузоққа тушгани учун ҳаммасини айтиб беришдан бошқа чораси қолмаганди. У Дилнурга қўнғироқ қилиб, Қоратош маҳалласида жойлашган «Лағмонхона» олдида учрашишни келишиб олди.

Айтилган вақтда ҳеч нарсадан бехабар Дилнур шериги Рўзибек билан келишилган жойга борди. Худди шу пайт иккита милиция ходими пайдо бўлиб, унинг қўлларидан маҳкам тутишди. Бу ҳолатни сал нарида кузатиб турган Рўзибек қочиб қолди. Лекин кўп ўтмай у ҳам қўлга тушди.

Суд жараёнида Эркин Илясов, Дилнур Ибодов ва Рўзибек Рафиқов ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, ҳар бири узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Чек бериш шартми?

Бугунги кунда барчамизнинг ишимиз дўконларга тушиб туради. У ердан керакли маҳсулотларни харид қиламиз. Аммо бунинг учун чек олаяпмизми? Афсуски, кўпгина дўконларда чек бермайдиган сотувчилар учраб туради. Агар улардан чек талаб қилгудек бўлсангиз, асаббузарлик ҳолатлари рўй бериши ҳам мумкин.

Шундай дўконлардан бири «GTK-GOLD TALISMAN» МЧЖга қарашли «Градус» бўлиб чиқди. Бу ерга кирган харидор сотувчи Ғофурдан «Хлебная» арағини сотиб олди. Лекин сотувчи унга чек ёки унга тенглаштирилган квитанция бермади. Ҳисоб-китоб тугагач, дўконда ҳозир бўлган давлат солиқ идораси ходимлари ўзларини таништириб, қисқа муддатли текширув эълон қилишди. Текширув вақтида сотувчи дўкондаги алкогол маҳсулотларининг ҳужжатларини тақдим этолмади. Шунинг учун дўкондаги 170 турдаги 2255 дона алкогол маҳсулотлари вақтинча олиб қўйилди.

Орадан бир кун ўтгач, дўкон раҳбари ушбу маҳсулотларнинг ҳужжатларини тақдим қилганидан сўнггина товар дўконга қайтарилди. Дўкондаги кассада мавжуд нақд пул НКМдан олинган кунлик ва даврий ҳисобот билан солиштирилганда, жами 93 минг сўм кирим қилинмаганлиги ҳамда инкассация орқали банкка топширилмаганлиги ҳам аниқланди. Дўконнинг 2010 йил 1 февралдан 2010 йил 29 сентябргача бўлган фаолияти таҳлил қилинганда, 70 млн. 884 минг 700 сўм нақд пул маблағлари НКМга кирим қилинмай, банкка топширилмагани маълум бўлди. Натижада, дўконда 357 минг 300 сўмлик товарларнинг камомадига йўл қўйилган.

Бундан ташқари, жамият раҳбари Р.Собиров ва бухгалтери М.Мансурова банкка топширмаган 70 млн. 884 минг 700 сўм маблағ учун 7 млн. 200 минг 488 сўмлик белгиланган солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб келишган.

Суд Раҳим Собиров, Маъсуда Мансурова ҳамда Ғофур Салайовни Жиноят Кодексининг тегишли моддаларига асосан айбли деб топиб, ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш шарти тайинлади. Шунингдек, Р.Собиров ва М.Мансурова энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида, яъни 9 млн. 43 минг сўм жаримага тортилиб, улардан давлат фойдасига 7 млн. 200 минг 488 сўм ундирилиш ҳам кўзда тутилди.

Ф. АБДУВОҲИТОВ,
М. ИСРОИЛОВ,
Юнусобод туман прокурорининг ёрдамчилари

Гаров шартномаси

Фуқароларимиз ўртасида кўпинча мол-мулкни гаровга қўйиш, гаров шартлари, умуман гаров муносабатларида низолар келиб чиқади. Бу, аввало, ушбу муносабатларни тартибга солувчи қонунларни билмаслик, гаров шартларини ҳуқуқшунос маслаҳатисиз, нотариал тартибда рўйхатдан ўтказмасдан оғзаки ёки тегишли идоралар вакиллари гувоҳлигисиз тузиш билан боғлиқ.

Мамлакатимиз Фуқаролик Кодексида гаров шартномаси тушунчаси, унинг вужудга келиш асослари, гаров турлари, гаровга қўювчи, гаров нарсаси, унинг талаблари, бундай ҳуқуқнинг вужудга келиши, шартноманинг шакли ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўлиқ белгилаб қўйилган. Йўқотганлик ёки унга зиён етказганлик учун суғурта ҳақидан, бу мол-мулк кимнинг фойдасига суғурта қилинган бўлишидан қатъи назар, ўз талаби шартномадаги асосларда қаноатлантирилишига ҳақли.

Фуқаролик Кодексининг 265-моддасида эса гаров турлари кўрсатилган бўлиб, гаров закалат, ипотека, шунингдек ҳуқуқлар гарови тарзида амал қилиши мумкин.

Шунингдек, ҳар қандай мол-мулк, жумладан, ашёлар ва мулкий ҳуқуқлар гаров нарсаси бўлиши мумкин. Муомаладан чиқарилган мол-мулк, кредиторнинг шахси билан узвий боғлиқ бўлган талабномалар, хусусан ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплаш алиментлар тўғрисидаги талаблар бошқа шахсга берилиши қонун билан ман этилган.

М.САТТОРОВА
Бухоро шаҳри 1-Давлат нотариал идораси нотариуси

Жамияти: аҳволи ва истиқболи

лотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асослари, давлат ҳокимияти, бошқарув идоралари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ижтимоий ҳамкорлиги ривожланишининг яхлит бир тизимини белгилаб берди. Бу борада қуйидаги ишлар амалга оширилди:

биринчидан, 2008 йилнинг июлида «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Қўшма Қарори қабул қилинди;

иккинчидан, парламент ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди ташкил этилди ҳамда Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси тузилди;

учинчидан, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш масалалари ижро этувчи ҳокимият тасарруфидан — мамлакатнинг демократик йўл билан сайланган Парламенти ихтиёрига ўтказилди;

тўртинчидан, 2008-2010 йилларда 800 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари Парламент комиссияси томонидан қўллаб-қувватланди. Фуқаролик институтларининг турли ижтимоий лойиҳаларини амалга оширишга 11 млрд. сўмдан зиёд маблағ ажратилди;

бешинчидан, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизациялашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда 5 мингдан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари муваффақиятли фаолият юритмоқда. Буларнинг катта қисми — 4,5 мингдан ортиғи Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда фаолият олиб бормоқда. Агар истиқлолнинг илк йилларида мамлакатимизда 200 га яқин нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритган бўлса, 2001 йилга келиб уларнинг сони 2300 дан ортди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳимояси билан — 40 фоиз, аёллар ва ёшлар муаммоларини ҳал қилиш билан — 14,2 фоиз, соғлиқни сақлаш, таълим, экология масалалари билан —13,6 фоиз, бошқа соҳалардаги масалалар билан — 32 фоиз нодавлат нотижорат ташкилотлари шуғулланмоқдалар.

Ушбу нодавлат нотижорат ташкилотлари давлатга жамоат бирлашмаларининг кўмаги бевосита талаб қилинадиган қонуннинг қабул қилиниши муҳимдир. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормаларни амалда жорий қилиш назарда тутилган;

иккинчидан, маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги соҳаларда фаолият юритадилар. Бу эса мамлакатда олиб борилаётган давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги самарали ижтимоий ҳамкорликдан далолатдир.

Юртбошимиз 2010 йилнинг 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да фуқаролик жамияти ривожланишининг қуйидаги устувор йўналишларини кўрсатиб берди:

Биринчидан, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда **«Ижтимоий шериклик тўғрисида»**ги вазифаларини янада кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади;

учинчидан, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан қонун ҳужжатлари ижроси назоратини жамоатчилик ва фуқаролик институтлари томонидан амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмларини яратиш, амалиётга дунёда тан олинган жамоат назорати турлари ва шаклларини татбиқ этиб, уларни амалга ошириш механизмларининг ҳуқуқий асосларини яратиш зарур;

тўртинчидан, инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш давр тақозосидир. Ушбу дастур, энг аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш ва амалдаги қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этади;

бешинчидан, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосларини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг роли ва ўрнини белгилашга қаратилган **«Экологик назорат тўғрисида»**ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб келмоқда.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлари доктори,
профессор

Ishonch
2011-yil 31-mart № 41 (2922)

Оила – муқаддас

Мартаба

Қаерда юрмайлик, бизни сергак кузатувчи, оқ ниятлар билан яхши манзилларга йўллагувчи Онамиз бор экан — бахтимиз бекам, ҳатто оёғимизга кирмагай тикан!..

Жажжи қўлчалари билан қўғирчоғини бағрига маҳкам босган қизалоққа разм соламан: «Болам, — дейди у, — тезроқ ухлай қол, уйғонгунингча кўйлакларингни тоза қилиб ювиб қўяман». Ўзи онасидан кечагина эшитган алласини «чақалоғи» қулоғига қуйяпти-ю, яна беминнат юмушга чоғланяпти...

Ҳа, аёл зотининг олий мартабаси ОНАЛИКДИР. Тинч ва хотиржам ҳаётсевар оналар ўз маконида муқим турса-да, нигоҳи дунёни кузатади. Жамиятда, жамоатда иши бор унинг. ЮНИСЕФ маълумотларига қараганда, соғлиқни сақлаш, мактаб ва касб-ҳунар таълимига сарфланаётган давлат харажатлари Марказий Осиё мамлакатлари орасида Ўзбекистонда энг юқоридир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда туғилаётган болаларнинг атиги 4,7 фоизи 20 ёшгача бўлган оналарнинг ҳиссасига тўғри келяпти. Бу Марказий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатларига нисбатан энг яхши кўрсаткичдир (Полшада — 7 фоиз, Венгрияда — 7,4 фоиз, Словакияда — 9,1 фоиз). Ҳамдўстлик мамлакатларида бу кўрсаткич 8,8 фоиздан (Қирғизистон) 16,3 фоизгача (Молдова) ни ташкил этади.

Эр-хотинлар ажрашишининг камайиши Ўзбекистонда замонавий оила аҳволининг муҳим кўрсаткичи саналади. Маълумотларга қараганда, кейинги 12 йил ичида ажрашиш бир ярим баравар камайди ва 100 никоҳдан 9,2 ҳолатни ташкил этади. Россия, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатларга нисбатан бу кўрсаткич бир неча марта кам. Ушбу ҳолат фуқароларимизнинг ажрашишга салбий муносабатда (сўралганларнинг 94,8 фоизи) экани билан ҳам боғлиқ. Ўтказилган сўров шуни кўрсатганки, ажрашишга нисбатан бундай ёндашувнинг асосий сабаблари: оиланинг бузилиши, болаларнинг етим бўлиб қолиши уларнинг руҳиятига, билим олиши ва тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши, ажрашишнинг ўзбек халқи анъанавий-ахлоқий асосига мос келмаслиги билан изоҳланади.

«Оилада фарзандларнинг маънавий-маърифий тарбияси нималарда намоён бўлиши керак?» — деган саволга юртдошларимизнинг 56,8 фоизи биринчи ўринда катталарга ҳурмат, дея жавоб берган. «Тарбия билан ким шуғулланиши керак?» — деган саволга эса сўралганларнинг 72,1 фоизи ота-она биргаликда шуғулланиши лозим, деган фикрни билдиришган.

Азалдан Ўзбекойимлар ўз обрўси, мавқеи ва ҳурмати билан тилларда достон бўлишгани маълум. Чунки бизда шундай фазилатлар борки, уни бошқа миллатда кўриш даргумон. Андиша, уят, орият, ҳаё, ибо сўзларининг тагида қанчадан-қанча маъно бор!

Шижоатли Тўмарис, вафодор Нодирабегим, доно маслаҳатгўй Бибихоним каби оқила момоларимиз яхши тарбия кўрганлари боис ўз даврларининг машъали, улуғвор ишларнинг йўлбошчиси бўлишган.

Модомики, олий мартабамиз оналик экан, уни қадрсизлантириб, тинч ва файзли кунларимизни саробга алмаштирмайлик. Фарзандларимиз соғлиғи, орзу-интилишларидан ҳар қачон бохабар яшайлик.

Умида АБДУАЗИМОВА,
шоира

Тадбир

Синчков ва кузатувчанликда болаларга тенг келадигани бўлмаса керак. Уларни ёзилмаган дафтарга ўхшатиш мумкин. Жажжи ўғил ва қизалоқларда дунё ва ҳаёт ҳақида шаклланиб бораётган тушунчаларни қанчалик тўғри йўналтира билсак, келажак учун ҳам шунчалик кўп хайрли ишлар қилган бўламиз.

Болаликнинг беғубор дунёси

Таълим ва фан ходимлари Шайхонтоҳур туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси ҳамда туман халқ таълими бўлими томонидан Муқимий номидаги мусиқали драма театрида бўлиб ўтган тадбир ҳам айнан шу мақсадни кўзлаб ташкил этилди. Унда мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган ёш мутахассислар «Бу муқаддас ватанда азиздир инсон» шиори остида куч синашдилар.

Кўрик-танлов иштирокчилари турли кўргазмали ўйинчоқлар, плакатлар ва бошқа омиллар ёрдамида намунали машғулот ўтказиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.

Беллашувлар натижасига кўра, биринчи ўринга «Ниҳол» гуруҳи сазовор бўлди. Иккинчи ўрин «Бойчечак», учинчи ўрин «Истиқлол» ва тўртинчи ўрин «Дилбар қизлар» гуруҳларига насиб этди. Ғолибларга туман халқ таълими бўлими ҳамда туман таълим ва фан ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитасининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари тақдим этилди.

Олдини олган афзал

Касални даволашдан кўра унинг олдини олган афзал, дейишади. Ана шу ҳикматга амал қилган ҳолда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан доимий равишда табиий офатлар содир бўлиш эҳтимоли мавжуд ҳудудлар ўрганилиб, унинг олдини олиш бўйича кўпгина ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Президентимизнинг «Тошқин, сел, қор кўчкилари ва ер кўчкиси ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, бажарилаётган ишларни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган республика Тошқинга қарши ҳукумат комиссияси фаолияти бунга бир мисол.

Маълумки, Амударё, Сирдарё, Норин, Қашқадарё ва Зарафшон каби йирик дарёлар, сув омборларида ёғингарчилик меъёридан зиёд ёққан пайтларда сув миқдори кескин кўпайиши мумкин. Ана шундай ҳудудларда заиф қирғоқлар мустаҳкамланмоқда. Жумладан, Гулистон тумани «Етти уруғ» маҳалласидан ўтувчи Сирдарё дарёсининг 600 метр қирғоғига 13455 тонна миқдоридаги харсанг тош ташланди. Наманган, Андижон вилоятлари ҳудудларидан ўтувчи Норин дарёси қирғоқларида ҳам 3558 метр узунликдаги дамбаларни тиклаш ишлари олиб борилди.

Бундан ташқари, гидрометеорологик ва геологик хавфли жараёнлар кузатилиши мумкин бўлган ҳудудларда 62 та махсус-тактик машқлар ўтказилиб, уларда 1418 нафар муҳандис-техник иштирок этишди. Республикамизнинг тоғли ҳудудларидаги қор захираларини ва баланд тоғлардаги кўлларда қор кўчиши, сел ва кўчки хавфи мавжуд бўлган жойларни аниқлаш мақсадида 16 маротаба аэровизуал кузатувлар ўтказилди.

Аҳоли ўртасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва содир бўлганда тўғри ҳаракат қилиш борасида ҳам кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

Хотира – муқаддас

Халқимизда устоз отангдай улуғ, деган ҳикмат бор. Адҳамжон Маъдиев Олтиариқ туманидаги минглаб ёшларнинг устози эди. У ҳаётининг ярим асрга яқин даврини ёш авлод тарбиясига бағишлаган, туманда маориф тизимини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган.

Устоз ёди

Яқинда А.Маъдиев туғилиб ўсган Янгиараб қишлоғида унинг ҳаёт йўли ёритилган «Маърифат фидойиси» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди. Маориф фидойисининг кўп қиррали фаолияти, меҳрибон оила бошлиғи сифатидаги фазилатлари ҳақида ҳикоя қилувчи китоб А.Маъдиевнинг энг яқин сафдоши, шогирди Ҳ.Исмоилов, журналистлар О.Ҳакимов ва А.Раҳмонов қаламига мансуб.

Тақдимотда Олтиариқлик маърифат жонкуярлари, А.Маъдиевнинг сафдошлари, шогирдлари иштирок этди.

— Устоз камтар ва ҳар томонлама баркамол шахс эди, — деди туман ҳокими Холматжон Комилов. — Мен турли соҳа раҳбарлари билан ишлаганман. Аммо бирор раҳбарнинг ўз соҳаси бўйича уй музейи ташкил қилганини эслолмайман. Адҳам аканинг туман халқ таълими тизимининг ютуқлари акс эттирилган музейни ўз уйида ташкил этиши оддий воқеа эмас. Балки келажак ва тарих олдида қилинган жуда катта хизмат ва ўз касбига бўлган беқиёс садоқат деб баҳолаш мумкин. Ёшларимиз шундай инсонлардан ибрат олишлари керак.

А.Маъдиев ўз хонадонидаги музей экспонатларида туман халқ таълими соҳасининг кейинги деярли бир аср давомида эришган ютуқлари ўз аксини топган. Тақдимот иштирокчилари устоз хонадонида бўлиб, музей билан яқиндан танишишди.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Президентимизнинг яқинда бўлиб ўтган Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишида сўзлаган нутқида белгилаб берилган устувор вазифалар юзасидан юртимизнинг барча жойларида амалий ишга киришилди.



Болалар спорти

Чемпионлар орамизда...

Фарғона вилояти халқ таълими бошқармасига қарашли 2-БЎСМда ҳам ёш болаларни спортга ошно этиш, улар орасидан иқтидорлиларини тарбиялаш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

БЎСМнинг эркин кураш тўгарагида мураббий Муроджон Ашуров ёшларга ушбу спорт туридан сабоқ беради. Ҳозир тўгаракда 120 нафар бола шуғулланиб келади. Бу ерда ёш полвонларнинг спорт билан шуғулланишлари учун имкониятлар етарли.

— Биз ҳозир Хоразм вилоятида бўлиб ўтадиган ўсмирлар ўртасидаги мусобақаларга тайёргарлик кўряпмиз, — дейди мураббий А.Узоқов. — Шогирдларим орасидан бўлажак чемпионлар етишиб чиқишига ишонаман. Чунки бу мақсадга эришиш учун бизда барча шароитлар етарли.

Спорт тўгарагидаги ёш полвонлардан Ш.Ҳакимов, Ж.Эргашев, Д.Шамсуддинов, Д.Тоҳиржоновлар Республика мусобақаларида совриндорлар сафидан жой олишган.

А.ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири.
А. ҚЎЧҚОРОВ олган суратлар

Маҳалла ҳаётидан

Қибрай тумани «Учқўрғон» МФЙ да 2500 нафар фуқаро аҳилликда истиқомат қилишада. Баҳорнинг илк кунлариданоқ бу ерда кенг ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Наврўз сайллари эса маҳалла аҳли бирдамлигининг, самимийлигининг яна бир исботи бўлди.

— Баҳор жуда гўзал фасл. Бу дамларда одамларга эзгулик улашинг келади. Айни кунларда маҳалладаги кам таъминланганлар ҳолидан хабар олаяпмиз. Шунингдек, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экиб, ҳудудни янада обод бир масканга айлантириш борасида ҳам катта ишлар қилинди, — дейди маҳалла раиси Акром Кенжаев.

Икром ҲАСАНОВ олган сурат

Ўтганларнинг охироти обод бўлсин

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилоят кенгаши тармоқ касаба уюшмаси Конимех туман кенгаши раиси Абдалим Тоировга акаси **Эргаш ТОИРОВ**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор қилади.

Ўзбекистон қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва унинг ҳудудий вакилликлари «Кварц» ҲЖ касаба уюшма қўмитаси раиси Абдусамад Назирдиновга падари бузруквори **Назирдин ота АБДУРАҲМОНОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар енгил, мебел саноати ва коммунал маиший хизмат ходимлари касаба уюшма кенгаши жамоаси ва ободонлаштириш бош бошқармаси касаба уюшма қўмитаси касаба уюшма фаоли, Тошкент шаҳар бош рассоми **Миргофур ҲИДОЯТОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

«Yashil nurli yo'l» масъудияти чекланган жамиятининг устав жамғармаси 876 2010 956 сўм 36 тийиндан 866 210 956 сўм 36 тийинга ўзгараётганлигини маълум қилади.

Эътирозлар 1 ой давомида кабул қилинади. Тел: 283-33-27

САВОЛ: Ҳозирги кунда ош тузини йодлаш тўғрисида кўп гапирилаяпти. Организмда йод танқислиги насл бузилиши, ақлий ривожланмаслик, бепуштликка олиб келади, деган фикр тўғрими?

Гуля БЕРДИМУРАДОВА, Қўнғирот тумани

ЖАВОБ: Марказий Осиё минтақасида кўп асрлардан бери йод танқислиги билан боғлиқ касалликлар кенг тарқалган бўлиб, унинг асоратлари тиббиёт маълумотларида XVIII асрдан ёритила бошланган. Айниқса, Фарғона водийсида яшайдиган аҳоли ўртасида эндемик буқоқ 70-80 фоизни ташкил этган.

Эндемик буқоқ қалқонсимон безнинг катталашгани бўлиб, ҳавода, озиқ-овқат маҳсулотларида (олма, гўшт, мевалар, сабзавот маҳсулотлари, сув) йод элементи жуда кам миқдорда учраши натижасида келиб чиқади. Ўзбекистон ҳудуди ҳам эндемик зона деб аталади. Буқоқнинг тарқалиши кенг миқёсда бўлиб, айниқса, ёш болалар, ҳомиладор аёлларда кўп учраши аниқланган.

Ҳозирги кунда организмни йод моддаси билан тўлдириш жуда долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда. Аҳолини йод билан таъминлашнинг турли услублари ишлаб чиқилган. Озиқ-овқат орқали йод танқислигини енгиш ва уни бартараф қилиш учун аҳоли ўртасида ялпи, гуруҳли ва индивидуал йод профилактикаси усуллари қўлланилади.

Буқоқ профилактикаси кенг истеъмол қилинадиган ош тузини йод моддаси билан бойитиш орқали олиб борилади. Гуруҳли йод профилактикасида ёш болалар, ўсмирлар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар ўртасида йод моддасига бой дори-дармонларни уюштирилган ҳолда истеъмол қилиниши кўзда тутилади.

Таркибида йод моддаси етарли миқдорда бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш (йодланган ош тузи, денгиз маҳсулотлари, балиқ консервалари) индивидуал профилактика усулининг асосий хусусиятидир. Шу билан бирга, организмнинг физиологик талабига жавоб берадиган йод тутувчи препаратларни истеъмол қилиш мумкин.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор

Insonga naf keltirish – oliy baxt

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99893 415 06 66;
Samarqand + 99866 933 25 04;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99890 232 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch 2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A.Toshev
Navbatchi: A. Arslonov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 00.40
Топширилди -01.00

Буюртма Г — 351

21955 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 2 3 4